


Шанланган
асарлар





Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги
Абдулла Қаҳҳор уй-музейи



АБДУЛЛА ҚАҲҲОР



Танланган асарлар
2-жилд

Сароб
(Роман)




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

Таҳрир җайъати:
Эркин АЪЗАМ, Нодира ЖАЛОЛОВА (раис),
Отабек ЖЎРАБОЕВ, Умарали НОРМАТОВ, Азизхон ҚАЮМОВ,
Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА, Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашрга тайёрловчилар:
О. ЖЎРАБОЕВ, М. ҚЎЧҚОРОВА,
филология фанлари номзодлари

Сўнгсўз ва изоҳлар муаллифи:
Отабек ЖЎРАБОЕВ

*Мазкур китоб Ф-1-ФҚ-055213 шифрли
«Абдулла Қаҳҳор дастхат қўлёзмалари асосида асарлари-
нинг илмий-қийёсий матнларини тайёрлаш ва нашрга ҳозир-
лаш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот гранти доирасида
амалга оширилди.*

УЎК: 821.512.135-1
КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-27-730-4

© А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 2-жилд. Абдулла Қаҳҳор уй-музейи, 2016 й.

© А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 2-жилд. «Янги аср авлоди», 2016 й.

САРОБ
(роман)

Шартли қисқартмалар:

S1 – «Сароб» романининг биринчи нашири: Abdulla Qahhar. Sarab. Ozdavnashr – Ozbekistan Davlat Nashriyati. Taşkent-Samarqand, 1937. – 384 bet.

S2 – «Сароб» романининг иккинчи нашири: Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. Уч томлик. II том. Сароб. ЎзССР Давлат Бадий Адабиёт нашриёти. Тошкент, 1957. – 256 бет.

S3 – «Сароб» романининг учинчи нашири: Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. Учинчи том. Сароб. Фафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1967. – 296 бет.

БИРИНЧИ БЎЛУМ¹

(7)² У³ эшик олдига юраги бетламайрак келди; эшикнинг тутқичидан ушлаб аста тортиши, нарёқдан бировнинг қаттиқ итарган пайтига тўғри келди. Эшик оёғининг учига тегиб қапчиғандан сўнг, четланиб, ичкаридан чиққан йигитга⁴ йўл берди. Йигит дарров бутун вужуди билан таассуф билдириб, афв сўради.

Кийимидан йигит кўпрак студентга ўхшар эди. У, эшик ёнида паришонхотир турган қизга яна бир қаради-да, салмоқли қадам ташлаб залнинг⁵ тўрига томон юрди. Қиз гўё қолган эшикни секин зичлади-да, ўйланиб йигитнинг кетидан қараб қолди. Кейин ўнғайсизлана-ўнғайсизлана унинг орқасидан кетди.

– Ўртоқ, – деди у, залнинг муюлишида унинг кетидан етиб бориб, – Сиз Сайфийни биласизми?..

Йигит бу товушнинг қаёқдан келганлигини билолмай аланглаб орқасига қаради. Қиз саволини яна такрорламакчи бўлган эди, у худди ундан бирон хизмат кутгандай, қўлидаги қоғозларни толстовкасининг чўнтагига солиб:

– Мен...– деди ва негадир қизарди.

У бир дамда шу ёшигача кўргани бутун қизларни ҳаёлидан ўтказди, аммо уларнинг ичида бу қиз йўқ эди. У гаплашган ёки гаплашишга жазм қилиб муваффақ бўлолмагани қизлар оддий, баъзилари табиатнинг ҳайкалтарошликка нўноқлик вақтида яратилган, ё бўлмаса

¹ Роман матни учун асос-таянч нусха сифатида асарнинг 1937 йил лотин алифбосида чоп этилган илк нашр (S1) олинди. S1 даги услуб, имло ва тиниш белгилари асосан сақланди. Фақат матндаги айрим янглиш ва мавҳум ўринлар S2 ва S3 билан солиштириб, тузатиб кетилди.

² S1 нинг саҳифа рақами. Кейинги ўринларда ҳам саҳифа рақами қавс ичида кўрсатиб кетилади.

³ S2, S3 – қиз.

⁴ S1 – *jgit.да*. Кейинги ўринларда ҳам: *jgit*.

⁵ S1 – *zal*. Кейинги ўринларда ҳам шундай берилган.

зотан бежирим бўлса ҳам кейиндан тарбияда майиб қилинган қизлар эди. Азалдан бежирим яратилиб, кейин ҳам заха (8) едирилмаган, ҳатто болдирларида лаънати бешикнинг ҳам изи бўлмаган бундай қизни ҳеч кўрмаган. Унинг ҳуснигина эмас, ёлғиз кийимининг ўзи мўъжиза-ку. Нега бу унинг номини билади, нега ўзини паст олган товуш билан сўрайди?

– Мен консултация⁶ бюросига учраган эдим...– деб гап бошлади қиз, аммо йигитнинг юзига қараб шубҳаланди шекилли, яна бир мартаба унинг Сайфийми эканини аниқ билмакчи бўлди.

Йигит афв сўради.

– Менинг қулоғимга Саидий бўлиб кирибдир, – деди ва чўнтагига солган қоғозларни яна қўлига олди.

Бу қиз учун шу уйга кириб ўз ишининг оқибатини сўраш, яъни очилган қизларнинг гавжум гузардан қоқинмасдан, қизармасдан ўтишидай қийин эди. Шунинг учун «Саидий шу уйга тааллуқли» деган ваҳима уни элтиб, Саидий афв сўрагандан кейингина кўзи очилди. Шундан сўнг умуман кўнглидан андак ғубори бўлган қизларда бўлатурган бир доғулилик – чиройли йигитлардан қочиш, ҳатто улар билан⁷ гаплашмаслик – қизни Саидийдан қочишга мажбур қилди. Ҳадиксирагандай орқасига қаради. Худди биров «Эй ўл-а, шундақа-да, чиройли йигитни кўрсанг юрагинг тутдай тўкулади» деб таъна қилаётгандай қизарди. Йигит иккала⁸ қўлини қаёққа қўйушини билмас, қиз эса ўнғайсизлалар эди. Бу ўнғайсизликка яна ўша эшикнинг очилиши барҳам берди. Ундан чиққан европали⁹ бир қиз юзини рўмолча билан ёпиб, ўлук орқасидан бораётгандай мотамли юриш қилиб залнинг чиқавериши томон йўналди. Унинг орқасидан европали бир йигит чақирган эди, қиз жаҳл билан орқасига бурилиб, ёшли кўз билан жавоб берди:

⁶ S1 – *konsultatsija*.

⁷ S1 – *blan*. Кейинги ўринларда ҳам шундай берилган.

⁸ S1 – *ikkila*.

⁹ S1 – *javropali*. Кейинги ўринларда ҳам шундай берилган.

– Қолсин сизда... кечдим... ярамаган ҳужжатлардан кечдим!

– Мен ҳайронман, – деди йигит яқин келиб, – нега ўжарлик қиласиз? Европалиларга берилган ўрун тўлиб тошди...

– Жой етишмаслигидан қўрқсангиз уйимдан курси олиб келарман.

(9) Қиз бу гапни айтишга айтиб қўйиб қизарди, илжайди.

– Кўрдингизми? – деди йигит кулумсираб, – гапингиз шу қадар мантиқлики ҳатто ўзингиз куласиз. Нима¹⁰ қилайиқ, ерлилардан биронтасининг ўрнига сизни олайикми, ахир!

– Йўқ, – деди қиз совуқ сув сепилгандай сесканиб ва онаси олдида ўз қилмишига иқрор бўлаётгандай қизарди-да, ҳужжатларини олиб залдан йўрғалаганича чиқиб кетди.

Саидий бу уйдан иши ўнгмай чиққан. Қизнинг ҳам иши ўнгишига кўзи етмаслиги иккала вужудни бир-биридан ажратиб турган тагсиз чоҳга мустаҳкам кўпрук бўлиб тушди. Қиз шу тўғрида Саидийдан кўп маълумотлар умидвор¹¹, аммо сўрамайди. Саидий эса ундан нима умидвор эканини ўзи билмайди, аммо унинг умид қилган нарсасинигина эмас, бутун оламини бериб ҳеч нарса талаб қилмайтурган бир ҳолатда эди. Ҳушёр, зийрак Саидий, қизнинг ҳолатини дарҳол англаб сўзни европали қизнинг йиғлаб чиқишидан бошлади-да, ўзининг муваффақиятсизлиққа учрашигача сўзлаб берди. Қиз унинг сўзига ўзи устидан чиқарилган ҳукми тинглагандай қулоқ берар эди. Бу эшикка киргани иккиланиб турган қиз, Саидийнинг сўзини эшитиб бутунлай кирмайтурган бўлди. Кейиндан Саидий хотин-қизларга енгиллик борлигини айтиб ҳарчанд қистаса ҳам, қиз чап қўлини юраги устига қўйиб, остки лабини тишлар ва бошини чайқар эди. Бундан бир неча минут илгари

¹⁰ S1 – *nma*. Кейинги ўринларда ҳам шундай берилган.

¹¹ S1 – *umedvar*. Кейинги ўринларда ҳам: *umed*.

Саидийнинг бературған бир оғиз маълумоти қиз учун бутун оламнинг хирожига арзийтурған эди, бу уйга киришдан воз кечганидан сўнг эса бу маълумот билан бирга Саидийнинг ҳам қадр-қиммати қолмади.

Саидий ичкарига кирганида олдига қўйилган шартларни эшитиб, «бундай бўлса ўқумайман» деган фикрга келган эди, аммо ҳозир бундай фикрга келганидан тонди. Унинг эндиги фикри қандай бўлса ҳам ўқуш бўлиб, бунинг тўғри эканига ҳар қандай кишини¹² ҳам ишонтиролар эди. Вужуди мўъжиза, ҳар бир сўзи, ҳаракати ҳаётга чақириб турган шу қизга ҳамдард бўлуш учун у, ўзининг Саидий эканидан тонишга ҳам тайёр эди. Шу қизга нисбатан (10) унинг қалбида иссиқ, ҳар қандай муғомбирлиқдан холи бўлган бир дўстлик ҳисси қўзғолди. У чин кўнглидан, одобнинг барча нозик қиллариға риоя қилиб қизни ҳурмат қилғуси келар эди. Қиз ҳам унинг сўзини ерга ташламай эшик томон йўналди ва эшикнинг тутқичидан ушлаб Саидийга қаради, яна чап қўлини пўкиллаб турган юраги устига қўйиб остги лабини тишлади.

– Кирайми, а? Кетмай туринг...

Қиз бу сўзни ўйламасдан айтди.

Саидий ҳам бунга бир маъно беришдан ожиз эди. Саидий қўлини орқасига қилиб эшик олдида нари-бери юриб турди. Қизнинг лаб тишлаб бош чайқашни кўз олдидан, майин товуши қулоғидан кетмас эди. Унинг бошидаги фикрлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди; буларнинг ичидан биронтасини ажратиб олса ўша ҳам хаёлга айланиб кетар эди: «Шу қизнинг бошига бир фалокат тушса-да, қутқаратурған киши ягона мен бўлсам».

Эшик очилиб, хаёли патдай тўзиди.

– Вой ўлай... – деди қиз, – мен сизни кетмай туринг деб маҳтал қилиб қўйдим... Анкет билан аризадан бошқа ҳеч ҳужжатим йўқ эди-да... Сизни маҳтал қилиб қўйдим.

¹² S1 – *kşi*. Кейинги ўринларда ҳам шундай берилган.

Саидий қўл ва бош ҳаракати билан ҳеч қисса эмаслигини билдирди. Қизнинг ҳам иши ўнгмаган эди. Бу, ўзидан ҳам кўра Саидийга қаттиқроқ таъсир қилди. Қиз бу эшикка кириши билан Саидийга анча яқинлашган эди, ҳозир яна миллион-миллион чақиримлар йироққа¹³ кетди. Бу лутфкорона кулиб, ҳаётга чақириб турган қиз хаёлгина бўлиб қолди. Қизнинг юзида умидсизлик белгилари йўқ; у кулар эди.

Қизнинг ваҳима билан ўтмасланган зеҳни¹⁴, залнинг эшигидан чиққандан сўнггина аслига қайтди. Ёнида соғлом, ҳар бир ҳаракатидан куч-қувват акс этиб турган, бежирим йигит боради. У ўз-ўзидан хижолат¹⁵ бўлди, қизарди, аммо бу йигитга зарур иши бор, ёки у муҳим бир жойга бошлаб кетаётгандай бир қадам ҳам орқада қолмас эди. Бир гап баҳонаси билан Саидийнинг юзига бир лаҳза тикилди-да, негадир қизарди.

(11) – Ҳалиги ўрус қизни-ку, йиғлатиб юборди, – деди қиз, иккинчи этажнинг зинасидан тушиб кетаётганда, – ерлилар шунча азиз экан, унинг ижтимоий аҳволи билан нима иши бор? Балого учрасин!..

– Мен кеча ҳам келган эдим. Бир ўрус, профессор бўлса керак, фирқа ячейкасининг масъул котиби билан урушди; у ҳам сизнинг фикрингизни айтади: «ўзларинг ерлилаштир дейсизларда, яна чек қўясизлар» дейди.

Биринчи этажнинг залидан вокзалнинг ҳиди келар эди: тиқилинч, ғовур, дам. Терга пишган одамлар ташқариға – очиқ ҳавога эмас, залнинг тўрига, эълон¹⁶ тахталариға қараб оқадилар. Очиқ йили текинга нон улашилганда ҳам бундай бўлган эмас ...

Ў қизлар, ў яхши кўрган куёвининг эркалашидан гул-гул очилиш вақти бўлган жувонлар. Ў эсиз шоҳи, маркизит кўйлаклар – баданларга тер билан чипша ёпишибди. Силлиқ қилиб таралган, кўп диққат ва меҳнат¹⁷

¹³ S1– *jroqqa*.

¹⁴ S1– *zihni*. Кейинги ўринларда ҳам: *zihn*.

¹⁵ S1– *xçalat*.

¹⁶ S1 – *ilan*. Кейинги ўринларда ҳам шундай берилган.

¹⁷ S1 – *mihnat*. Кейинги ўринларда ҳам шундай берилган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3749> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3749> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3749>